БОШЛАНҒИЧ ТАЪЛИМДА “ТАРБИЯ” ФАНИНИНГ КЛАСТЕР УСУЛИДА ЎҚИТИЛИШИ

Онахон Маннаповна Жабборова
Чарос Дилшод қизи Чимпулатова
Тошкент Вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада бошланғич таълимда “Тарбия” фанининг кластер усулида ўқитилиши методологияси таҳлил қилинган, муаллифнинг позицияси баён этилган.

Калит сўзлар: таълим, бошланғич, тарбия, фан, ўқитиш, кластер, усул, ўқувчи, ўқитувчи, янгилик, малака.

CLUSTER TEACHING OF THE SUBJECT "UPBRINGING" IN PRIMARY EDUCATION

Onakhon Mannapovna Jabborova
Charos Dilshod kizi Chimpulatova
Chirchik State Pedagogical Institute of Tashkent Region

ABSTRACT

The article analyzes the methodology for teaching a cluster of a new subject "Education" and gives the author's position

Keywords: Education, primary, upbringing, science, learning, cluster, style, student, teacher, skill.

КИРИШ

Ўзбекистонда 2020-2021 ўқув йилидан бошлаб амалга киритилган янги “Тарбия” фани мутлақо янгича асосларда ўқитилиши тақозо этилади. Ана шундай ўқитишнинг янги усулларидан бири кластердир.

Бошланғич таълимда “Тарбия” фанини кластер усулида ўқитиш бир неча хусусиятларга эга. Бу хусусиятларнинг асослари қуйидагилардан иборат.

1. Қўйиладиган талаблар:

- ўқитувчининг билимли ва малакали бўлиши;
- “Тарбия” фанининг мавзуларини тушунтириш, шарҳлаш ва ўргатиш;

-бошланғич синф ўқитувчиларининг жисмоний, ёш ва руҳий хусусиятларини ҳисобга олиш;

- мажбурлаш, жазолаш каби усулларни қўлламаслик.

2. Ўқитиш тизими:

- дарсларда илмий ҳақиқатларга асосланиш;

-фанлар боғлиқлигига амал қилиш;

-таълим иштирокчилари билан ҳамкорлик этиш;

- таълим самарасини баҳолаб бориш.

3. Ўқитиш мониторинги:

- рағбатлантириш усулига асосланиш;

- ўқувчи онги, қалби ва руҳида бўлаётган ўзгаришларни кузатиб бориш;

- эришилган самараларни оммалаштириш;

- муаммоларни ошкора ҳал қилиш.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Бундай хусусиятлар бошланғич таълимда “Тарбия” фанини кластер усулида ўқитиш тизими қуйидагича бўлишини кўрсатади:



Мазкур усул амалий жиҳатнинг устуворлиги билан муҳим аҳамиятга эга.

Бошланғич таълимда “Тарбия” фанини кластер усулида ўқитишда методика муҳим ўрин тутади. Бу ўринда эътиборимизни мисол тариқасида кам ўрганилган соҳа – азиз – авлиёларимизнинг тарбия методикасига тортамиз.

Жунайд Бағдодий (IX аср) инсон тарбиясида қуйидаги методларга асосланиши тавсия қилади:

1) одоб;
2) суҳбат;
3) илм;
4) амал.

НАТИЖА

Бу ўринда “одоб” – ўқитувчи ва ўқувчининг ўзаро муомала ҳамда муносабатида аҳлоқ қоидаларига риоя этишини, “суҳбат” – тушунтириш ва кўниктиришни, “илм” – ҳақиқатга таянишни, “амал” эса ўргатиладиган ва ўрганган нарсаларга бўйсунишни англатади. Шу жиҳатдан, бошланғич таълимда (1-4 синфларда) “Тарбия” фанини ўқитиш юксак одоб, ўзаро суҳбат, ҳаққоний илм ва қатъий амалга таянади.

Усмон Маккий (X аср) тарбияни инсонга мурувват кўрсатиш муҳим метод деб билади. У дейдики, “Мурувват – дўстларнинг қусур ва камчиликларидан кўз юмушдир”. Демак, мурувват – душманга эмас, дўстларга кўрсатилади. Шу маънода, “Тарбия” фанини бошланғич таълимда ўқитишда ўқувчи, ўқитувчи, ота-она ва қолган барча таълим иштирокчилари ўзаро дўст ҳисобланади. Мурувват ана шу жиҳати билан муҳим метод ҳисобланади ва мурувватда фақат *маънавий манфаат* устувор ҳисобланади.

Мумшод Диноварий (X аср) тарбияда қуйидаги методларга асосланишини тавсия қилади:

1) устозларни ҳурмат қилишга ўргатиш;
2) ўзгаларга хизмат қилишга кўниктириш;
3) ҳаётсеварликни тушунтириш.

Бу методлар “Тарбия” фанини ўқитишда жуда қўл келади ва улар бошланғич синф ўқувчиларида (7-11 ёшли шахсларда) Ҳурмат, Ҳизмат ҳамда Истиқомат кўникмаларини шакллантиради. Шу сабабли уларни ўзлаштириш тақозо этилади.

МУҲОКАМА

Азиз авлиёларнинг инсон тарбияси методларига оид келтирилган мисоллар шуни кўрсатадики, тарбия-таълимдан фарқ қилади. Бунинг учун қуйидагиларни идрок этиш тақозо этилади эканлиги: “Тарбия” фани ўқув предмети бўлса-да, лекин у ўқувчиларда билим воситасида ақлий, аҳлоқий,

жисмоний ва эстетик кўникмаларини ҳурмат, иззат ҳамда рағбат асосида шакллантирилди.

“Тарбия” фанини ўқитишнинг кластер усулида қуйидагиларга эътибор бериш мақсадга мувофиқ бўлади:

- ўқитувчи, психолог ва мактаб шифокорининг ҳамкорлиги;
- мактаб жамоасининг маслаҳатчи сифатида фаол иштирок этиши;
- ота-оналар вакилларининг тарбия жараёни мониторингида қатнашиши;
- бошланғич синф ўқувчиларининг ёш, жисмоний ва руҳий хусусиятларига мос амалий тадбирлар ташкил қилиш;
- бошланғич синф ўқувчиларининг лаёқат ва кўникмаларини шакллантиришга алоҳида эътибор бериш;
- бошланғич синф ўқувчиларининг билимдонлик даражасини жамоавий тарзда таҳлил қилиб бориш.

ХУЛОСА

Бошланғич синфларда “Тарбия” фанини ўқитишнинг кластер усулида янги ташкил этилаётган “Ижодий-маданий тарғиботчи” мутахассис кўмагидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлади. Чунки бу лавозимда таниқли ижодкорлар, маданият намоёндалари ва олимлар гуруҳи фаолият кўрсатади. Уларнинг асосий вазифаси ўқувчиларнинг ижодий лаёқати ва маданий кўникмаларини шакллантиришдан иборат. Шу сабабли бошланғич таълимда ўқитишнинг кластер усули мазкур мутахассислар фаолияти билан янада чуқурлашуви кутилмоқда.

Кези келганда таъкидлаш лозимки, бошланғич таълимда “Тарбия” фанини ўқитишнинг кластер усули янги ҳодиса. Шу сабабли унга оид тажрибалар дастлабки босқичда эканлигини эслатиб ўтиш жоиз. Бизнинг кузатишимизга кўра, ўқитишнинг кластер усули амалиётга йўналтирилганлиги билан аҳамиятга эга. Лекин бу усулни жамоавий ўқитиш сифатида қабул қилмаслик керак. Аксинча, ушбу фанни ўқитишда ўқитувчи ва мураббийларнинг мақоми устувор ҳисобланади.

REFERENCES

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Умумий ўрта таълим муассасаларида “Тарбия” фанини босқичма-босқич амалиётга жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 422-сонли Қарори. // www. Ziyonet.uz. 2020 йил 7 июль.

2. Мухамедов Г., Ходжамқулов У. Педагогик таълим инновацион кластери: таъриф, тавсиф, тасниф.-Чирчиқ., 2019
3. Алишер Навоий. Насойим ул – муҳаббат. // Тўла асарлар тўплами. 10-ТОМ. -Т.: "Фан". 2001.87-500-бетлар.
4. Jabborova Onahon Mannapovna, Jumanova Fotima Uralovna, Mahkamova Shohida Rahmatullayevna. (2020). Formation of artistic perception of future teachers. International journal of pssycological and rehabilitation, 24(4), 4087-4095.
5. Jabborova Onahon Mannapovna. (2019). Psycholocial and pedagogical foundations of the formation of the artistic perception of students in secondary schools. European journal of research and reflection in educational sciences, 7(10), 9-14.
6. Jabborova Onahon Mannapovna, Ismoilova Dilafruz Muhiddinovna. (2020, may). Optimation of primary education. ACADEMICIA: An international multidisciplinary research journal, 10(5), 1229-1232.
7. Мардонов Ш.К., Жаббарова О.М. Задачи уроков изобразительного исскуства в начальной школе. Academic research in educational sciences, Issue 3, 2020, pp 862-870.
8. Tojiboeva Gulmira Rifovna, Pulatova Dildora Turgunovna. Pedagogik kompetentlik: nazariya va amaliyot. Academic research in educational sciences, Issue 3, 2020, pp 209-215.
9. Мусурмонов Рахматулла, Мусурманова Малуда. Ўқитувчиларнинг касбий компетентлигини ривожлантиришда инновациялар. Academic research in educational sciences, Issue 3, 2020, pp 777-783.
10. Karimjonov Alijan, Jabborova Onakhon Mannapovna. Improvement of claster training system. Academicia An international multidisciplinary research journal, Kurukshetra (India), 2020, Issue 10, pp. 584-589.
11. Jabborova Onaxon Mannapovna, Umarova Zuhra Abduraxmanovna. Pedagogical conflicts in primary school students - as an important social-pedagogical problem. Solid State Technology, Great Britain, 2020, Issue 6, pp.235-241.
12. Мардонов Шукурулло Қўлдошевич, Хужамқулов Умид Негматович, Ботирова Шахло исомиддиновна, Шерматова Умида Сафаевна. The end to educate young people with the spirit of patriotism in the context of globalization. Journal of Critical Reviews, Malaysia, 2020, Vol.7, Issue 12, pp 166-169.
13. Мардонов Шукурулло Қўлдошевич, Куттибекова Гулжан Тулепбаевна. Structure and Mechanisms of Action of The Educational Cluster. International journal of Psychosocial Rehabilitation, United Kingdom, 2020, Issue 07, pp. 8104-8111.